

3. Кәсіплик жарамлылық;
4. Билимлендириў мекемелери ямаса ислеп шығарыў кәрханалары хәм мекемелериниң узақ-жақынлығы;
5. Кәсіпниң абыройлылығы сыяқлылар.

Солай етип, кәсіп таңлаўда және бир әҳмийетли қәдем – бул өзиниң қәбилети хәм денсаўлығына баҳа бериў. Бунда усы баҳалаўдың зәрүр, бирақ жетерли болмаған процедура екенлигин инабатқа алыў керек.

Әдебиятлар

1. “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришниң психологик ташхис муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: 2005.
2. Давлетшин М.Г. Психологияда шахсни ўрганиш истиқболлари. “Халқ таълими” журналы, 2001, № 3-5.
3. Матмуратова Н.Б. Ўқитувчиларга психологик ёрдам берувчи ўйин ва машқлар. Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: ТДПУ. 2006.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизиминиң дастлабки бўғинларидан бири бўлган умумтаълим мактабларида ёш авлодни уларниң қизиқиш, интилиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда касбга йўналтиришниң аҳамиятли бўлган масалалари келтирилган. Мактаб ўқувчилариниң келажакда қандай касб эгаси бўлиши ва қайси касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришини танлаш билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳамкорлик ишлариниң аҳамиятли йўналишлари маълумот сифатида келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются материалы по вопросам профессиональной ориентации подростков, в том числе учитываются их интересы, стремления и способности. Также рассматриваются вопросы о выборе учениками средних школ будущей профессии и профессионального колледжа для дальнейшего обучения, а также в качестве информации приводятся важные направления сотрудничества этих учреждений по этому вопросу.

SUMMARY

The article deals with the information about the questions of teenagers' professional orientation taking into consideration their interests, tendency and abilities. The issues of choosing future professional colleges for further education are shown, and also there are given important directions for cooperation of these institutions to solve this issue.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРГА ДЕХҚОНЧИЛИК ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР БЕРИШ ВА ОБ-ҲАВОНИ АНИҚЛАШГА ЎРГАТИШ ТАЖРИБАЛАРИ

А.А.Бекимбетова – педагогика фанлари номзоди
Бердақ номидаги Қорақалтоқ давлат университети

Таянч сўзлар: халқ педагогикаси, деҳқончилик, чорвачилик, об-ҳаво, ақлий тарбия.

Ключевые слова: народная педагогика, сельское хозяйство, животноводство, погода, умственное воспитание.

Key words: national Pedagogics, agriculture, stock-breeding, weather, mental education.

Қорақалпоқ халқиниң ҳам бошқа туркий халқлари синғари деҳқончиликка боғлиқ ҳисоб-китоб юритиш ишлари осмон жисмлариниң Ерга таъсирига боғлиқ ҳолда юзага келган. Улар табиатниң янғиланишини «Наврўз» ойи деб аташган. (21-мартдан 19-апрелгача). Ой ўз ҳаракатларида ўн икки хил юлдузлар туркумини уя сифатида макон қилиб устидан ўтган. Биринчи юлдузлар гуруҳини узокдан қараганда, Қўзига (қўйга) ўхшатганликдан халқ Қўзи (Ҳамал) ойи – деб атаган.

Халқ баҳорги деҳқончилик ишлари билан боғлиқ ҳаракатларини кузнинг охирида Жанубга учиб кетган қушларниң қайтиб келиш вақтига қараб ҳам белгиланган. Улар қушларниң қайтиб келишига боғлиқ об-ҳавода ўзгаришлар юз беришини ўз кузатувларида кўп ўргатган. Шу асосда деҳқонлар баҳор фаслида қушларниң қайтиб келиш вақти билан экин экишниң ўзига хос вақт ҳисобини тузган. Қушлар қайтиб келганда бўладиган табиатдаги айрим ўзгаришларни «қушнинг қойи», «киали» ҳолатниң юз бериши [2:14] – деб тушунган.

Халқ баҳорда етти туркум қушлар гуруҳи келишини олдиндан ҳисобга олиб, етти маротаба «қой» бўлишини бунга мос деҳқончилик ишларини режалаштириш зарурлигини инобатга олган. Февраль ойиниң охири, мартниң бошида қор аралаш ёмғир ёғса, буни «шойи қушнинг қойи» деб билган. Шойи қушнинг товушини эшитган деҳқонлар тез кунда об-ҳавонинг яхшиланишини олдиндан пайкаб, уруғ экишдан олдинги дала ишларини бошлашга киришадиган бўлган. Шойи қуши эрта келса, баҳор эрта бошланган ва шунга мос деҳқонлар эрта пишар экинларини эка бошлаган. Бундай ҳолат юз бермаса, маълум вақтгача ернинг қизишини кутган. Ёр «қизий» бошлагандан уруғ экиш керак, шундай қилмаса уруғ салқин тупроқда чириб кетади деб, кўк қарға учиб келиши билан, яъни апрель ойиниң ўрталари, май ойиниң бошида «қуш қойи» ҳисоби тамом бўлиб, кўпчилик экинларни экиш ишлари тугатилиши назарда тутилган.

Баҳорда ёмғирниң бемаврид ёғиши, деҳқонлар учун гоҳида ноқулай ҳолат бўлган. Шунинг учун халқ бемаврид ёмғирни ёқтирмай: «Хутда тинмасин,

хамалда томмасин» [2:15] - деган тилакни айтган. Хамалдан аввалги ой Хутда (19-февралдан 20-мартгача) ёмғир кўп ёғса, далаларда сув кўп тўпланиб, ер сувга қонади. Оқибатда деҳқонлар далаларни тоза оқин сув билан чайиб, суғориб экин эккан.

Хамал-Наврўз ёмғири кузлик бугдой учун жуда зарурлигини тушунган деҳқонлар: «Хамал ёмғири кузлик бугдойнинг қони» – [3:231] деб ҳисоблаган. Ҳаво иссиқ бўлса, баҳор кунлари тез-тез ёмғир ёғса, экинларнинг ўсиши тезлашади. Баҳор қурғоқ бўлса кузлик бугдойнинг ривожлиниши сусаяди, маҳсули баракасиз бўлади, яйловдаги ўтлоқлар яхши ўсмайди. «Хут билан хамал, ёмғирга жон берар» деган иборалар ҳам бор. Ўша ойлarda ёмғир кўп ёғса, деҳқончиликнинг ривожланишига фойдаси зўр бўлган.

Халқ об-ҳаво инжиқлигига боғлиқ деҳқончилик ишларини ҳар ойга мослаштириб тақсимлаган. Наврўздан сўнг Савр ойи бошланади. (20-апрелдан – 20-майгача). Самодаги Ой ўтадиган иккинчи юлдузлар гуруҳи ҳўкизга ўхшаб кўринганлиги учун уни Ҳўкиз - Савр деб атаган. Халқ Савр келиши билан дала ишларини янада чакқонроқ олиб боришга ҳаракат қилган. «Саврнинг ҳисобида қишнинг ёмғири бор», ёки «Савр деган сонли қиш» [1:67] деган мақолларни ҳам яратган. Гоҳида Савр (апрель) ойида ҳам салқин шамол бўлиб, жала қуйишини, деҳқончилик ишида буни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган.

Халқ баҳор фаслининг охирги ойини Жавзо (21-май – 21-июнь) деб атаган. Жавзо халқнинг астрономик билим, тажрибаси бўйича Ой ўтадиган ўн икки юлдуз уясининг учинчиси номини «эғизак қизлар» деб атаганлар [4:29]. Халқ жавзони «юзнинг усти» деб атайди. Бу май ойининг охирларида бошланадиган сентябрнинг ўрталарида тамомланадиган юз ҳисоби билан боғлиқ. «Юз» ҳисоби мезоннинг тушишига (17-22-сентябрга) юз кун қолди деган маънони билдиради. Масалан, жавзода юз ҳисоби 60 га киргандан сўнг, олтмиш кунда пишадиган экинлар экилган, яъни июннинг ўрталаригача оқ жўхори ва шоли экилган. Чунки бу экинларнинг пишиб етилиши учун камида 60 кун керак бўлади. «Юз» ҳисоби деҳқончилик қилиш учун қулай об-ҳаво бўладиган сўнгги юз кунлик муддат ҳисобланиб, ўша вақт оралиғидан уруғ вақт ўтиб экилса, экинлар пишмасдан «беш қўноқ» (мезон) тушиб совуқ уриши мумкин эканлигини деҳқонлар ҳисоблаб юрган.

Баҳор ноқулай келиб, ёғингарчилик, жала қуйиши натижасида экилган уруғлар униб қиқмаса, бундай ерлар қайта ишланиб, бошқатдан экилган. Гоҳида вақт ҳали бор бўлса, ўша экиннинг ўзини эккан. Кун юздан камайиб қолган бўлса, бошқа экин турлари: мош, тарик каби тез пишар экинлар экилган. «Жавзо» экин экишнинг охирги ойи бўлганлиги учун «Жавзода ёвдек экин», «Бошланди жавзо, бор уруғингни қовза (ташла)», «Қопда қолгунча топда (ерда) қолсин» [5:217] – деб Жавзо ойи экиш муддатининг сўнгги дамлари эканлигини, бу вақтдан кечикса, эккан экин пишмаслигини ўргатган. Экин экишда баҳорда ҳар бир куннинг ўрни қафолатланганлигини, бир куннинг ўзи ғанимат бўлиб, бунинг фойда-зарари кузда билинадиган бўлган. Экин

экаётган деҳқонларга жавзода ёмғир ёғса, анча ҳалақит берган. Янги тобга келган дала яна лой бўлиб, кўкараётган экинларни жала эзиб ташлайдиган бўлган. Оқибатда халқ: «Жавзода ёмғир ёганча илон ёғсин» [2:15] – деб гоҳида учраб турадиган табиатнинг инжиқликларига нарозилик билдирган.

Халқ ёз тўқсоннинг биринчи ойини (22-июнь – 22-июль оралиғи) Саратон деб номлаган. Бу самодаги Ой устидан юриб ўтувчи ўн икки юлдуз туркумининг тўртинчиси. Саратон экинларнинг барчаси экилиб тамомлана-диган, фақат сараланган айрим экинларнигина экиш мумкин бўлган вақт. Халқ: «Саратонда сара экиш, қолаверса тарик экиш» – деб насихат қилиб, иложи борица саратонга етмай «юз ҳисоби» ичида зарур экинларни экиб тугатишга ҳаракат қилган. Гоҳида улгурмаган деҳқонлар, ер бўш қолмаслиги учун «молга ўт, товукка дон бўлар» – деб жўхори эккан. Саратоннинг ўрталарида экилган жўхорининг дони кузда «балиқ кўз» бўлиб (буни товукка, молга берган), гоҳида куз яхши келса, пишиб улгурган.

Саратонни халқ «ёз чилласи» деб ҳам атаган. Чилла деб, ёзнинг энг иссиқ ва қишнинг энг совуқ 40 кунига айтилган. Иссиқ билан экинлар ривожланади. Шу тарика халқ: «Чилла келди, деҳқончилик гуллар энди» – деб юришмай турган экинларнинг иссиқ таъсирида ўсишини олдиндан мўлжаллаган. «Чилла суви, олтиннинг буғи» – деб, чиллада деҳқончиликни эрталаб ва кечки салқин билан суғориш тавсия этилган. «Чиллада сув ичган экин сувсамас» – деб чилла сувининг кейинги пайтдаги ўсишига ҳам таъсир этишини айтган. Агар чиллада сув кам бўлиб, қурғоқчилик юз берса, унда экинлар сувсизликдан поймол бўлиши мумкинлигини билган. Шу тарика халқ «Чилладан қолса, бизники» – деб, чилланинг оғир синов бўлишини таъкидлаб, чилладаги иссиқдан экинларнинг беҳавотир ўтишига ҳаракат қилган. Мана шундай Саратон ойидаги куннинг қизишига қарамасдан гоҳида салқин кунлар ҳам учраб турган. Буларни ёшларга деҳқончилик ишларида инobatга олишни ўргатиб: «Хўлкарли ойнинг ҳаммаси қиш, Саратон сендан ҳам кўрқаман» [5:217] – деб, ёз чилласи ичида ҳам салқин кунларнинг бўлишини эслатган.

Ёз тўқсоннинг ўрталарида Асад ойи (23-июль – 23-август) бошланади. Бу халқнинг астрономик тушунчасида Ой устидан ўтадиган ўн икки юлдузлар уясининг бешинчиси ҳисобланиб, бу юлдузлар арслон шаклидаги кўринишга эга. Июлнинг ўртаси ва охирларида қуёш жуда қизийди. Ўсимликлар тез-тез сув талаб қилади. Кўпчилик полиз экинларининг гуллаш вақти бошланади. Гуллаш пайтида уларга етарли сув берилмаса, экинлар гулларини тўкиши мумкин. Шунинг учун «Асаднинг иссиғида» экинларни эрталаб ва кечки салқин билан суғориш кераклигини ва шундай қилган тақдирда экинларнинг иссиқдан ўсиб ривожланиши тезлашишини тажриба орқали яхши ўзлаштирган. «Асаддаги иссиқ, экинга қисқи (қийинчилик)», «Асад, экинни суғориб маст эт» дея хулосага келган. Айрим эрта пишар экинларнинг тарнак, хандалак ўрни бўш қолмасин деган фикрда ердан унумли фойдаланиш мақсадида кечикиб бўлса-да, пишиб улгурадиган айрим экинларни экишни маслаҳат берганлар «Асад келди ётма тек, макка билан

шолғом эк» – деган ибораларни яратганлар. Лекин, халқ кўпинча асад ойидан сўнг экин экишни тўхтатишган. «Асад-басад» [4] деб Асад келса, энди экин экишдан фойда йўқ, қўйгин, бас эт (бас қил) – деб ургатган.

Асаддан сўнгра келадиган Сумбула ойи (24-август – 22-сентябрь) Ой юриб ўтадиган юлдузлар уясининг олтинчиси. Сумбула сўзининг маъноси «сўбик» деган маънони билдиради. Сумбула ойида деҳқончиликнинг кўпгина турлари: қовун, тарвуз ва бошқа экинлар пишди. Ёз тўқсоннинг охири яқинлашиб, ёзги чилла тамомланиши билан ўлкамизда мавсум алмашуви юз бера бошлайди. Анхору ариқдаги сувлар совийди. Ёзги кеча секин узая бошлайди. Шуларни ҳисобга олиб халқ «Сумбулада сув совийди» – деб тушунтирган. Сумбула бошланиши билан ўсимликлар дунёси, моллар озиқланидиган ўт-ўланлар шира боғлайди, молларни семиртиради. Бу пайтларни халқ тўрт қора молнинг: туя, от, сигир, қўй-эчкиларнинг семирадиган вақти деб айтган. «Сумбула туғса шимпайиб, от семирар қумпайиб» (Сумбиле туғса сымпайиб, от семирар қунтйиб) – деб, фақат йилки эмас, чорва молларининг барча турлари семираиб, табиий ҳолда кишкисовуққа ўзларини тайёрлаши ҳақида маълумотлар бериб борган.

Сумбула ойи чорвалар учун эътиборли ой ҳисобланади. Сувнинг совиши сабабли чиллада иссиқ ўтиб, Сумбулада салқин сув ичган қўзилар бўзўпка касалига чалиниши мумкин. Шу вақтларда биялар ҳам терлаб келиб салқин сув ичса, "ич ташлаши" – тойчоғини муддатидан олдин туғиши тажрибада кўп синалган. Бияни Сумбула тушгандан сўнг ич ташлайди деб ёшларга қўлиқ ўрнида фойдаланишга руҳсат беришмаган. Сумбула тушгандан сўнг бир ойдан кейин қирқуяқ олиниб, қўчқорлар қўйга қўйилган.

Шунингдек халқ: «Сумбулада сув совийди, мезонда кун совийди» – деб табиатнинг ўзига хос хусусиятларини айтган. Бу халқнинг Сумбуладан сўнг келадиган Мезон ойи ҳақидаги тажрибаларининг айрим ҳолатлари эди.

Мезонда (23-сентябрь – 22-октябрь, Қирқуякда) куз тўқсон бошланиб, дарахтларнинг япроқлари сарғайиб, экинларнинг ҳосилини йиғишга киришилади. Қишдан дарак берувчи салқин шамол, ёғингарчилик бошланади. Энди об-ҳавонинг иссиқ бўлмаслигини, баъзи одамларнинг «Ҳалиям иссиқ бўлиши мумкин» – деб деҳқончилик маҳсулотларини далада, қор-ёмғирнинг остида қолдирмаслиги кераклигини тушунтириш мақсадида халқ: Наврўздан сўнг киш бўлмас, Мезондан сўнг ёз бўлмас – деб ҳосилни вақтида йиғиб олишни насиҳат қилган.

Мезондан сўнг Ақраб (Қазон) ойи бошланади (23-октябрдан 21-ноябргача). Юқорида айтиб ўтилган «беш қўноқ»да совуқ урмай қолган экинларни урадиган совуқ ушбу Ақрабда юз бериши мумкин. Агар Ақрабда кун иссиқ бўлса, кеч экилган экинлар пишиб улгурган. Халқ орасида кузги совуқнинг экинларни уриши ҳақида қуйидагидек гаплар юрган. Совуқ айтган эмиш:

Мезонда ўрмасам, ақрабда ўрарман.

Ақрабда ўрмасам охиратда ҳам ўрмайман [6:69].

Шу орқали халқ ёшларга кузги экинларни совуқ уриши бирин-кетин бўлишини, Мезонда

урмай қолса, Ақрабда бунинг амалга ошишини, ҳар бир ойнинг аста-секин киш совуғига яқинлашиб боришини тушунтирган.

Халқ куз мавсумининг якунланувчи ойини Қавс (Уқей) деб атаган. (22-ноябрдан – 21-декабргача). Ёшларга: «Тушмай туриб Қавс, экиннинг йиғиб товуш (туғат)» – деб насиҳат қилиш орқали барча деҳқончиликни ақрабгача йиғиб-териб олишни, сўнги ойда совуқ янада кучайишини айтган. Қавс ойида ва бундан олдин деҳқончиликдан бўшаган ерларни шудгор қилиб, кейинги мавсумга тайёрлаш кераклигини, «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» – деб куздаги чопиқ қилинган ёки ҳайдалган ер қишда, қор-ёмғирнинг сувига тўйиб, келаси йили экин мавсумига тайёр бўлади, деб тушунтирганлар.

Халқнинг ёшларга ўргатиши лозим бўлган Ой ҳақидаги билимлар Жадди (22-декабрдан-19-январгача) – «Елтўқсон» ойида ҳам давом этган. Жадди – киш-тўқсоннинг бошланиши. Ўша кундан бошлаб секин-секин кун узая бошлайди. Чўпонлар тушлик пайтида таёқларини ерга санчиб қўйиб, унинг сояси аста-секин узайишини кузатган. Шу боис халқ киш тўқсонига боғлиқ «Тўқсонда кун тўрғай кадамидек, чиллада қарға кадамидек узаяди» – деб таъриф берган. Жаддининг охирида қишнинг энг совуқ 40 кун киш чилласи қиради. Халқимиз бу даврни катта ва кичик чилла деб атаган.

Катта чилланинг ўртасида Далв (Қангтор) ойи туғади (20- январь – 18- февраль). Далв Ой юриб ўтадиган йўлдаги ўн биринчи юлдуз уясининг номи бўлиб, «Далв» қудуқдан сув оладиган «қовға» деган маънони билдиради.

Буни қорақалпоқлар «Қангтар» деб аташган. «Қангтор» сўзининг маъноси қишнинг кўпи кетиб, қам қолди, киш қантарилди, озайди, энди баҳор яқинлашди деганидир. «Қангтор овса (ярмидан кўпи ўтса), қозик бошида қор турмас» – деб ёққан қорларнинг тезда эриб кетишини, «Қангтор овса қилт этар, деҳқоннинг кўзи йилт этар» – деб Қангтор ойи янги баҳор фасли учун экишга тайёргарлик ишларини бошлаш орафаси эканлигини тушунтирган.

Халқнинг деҳқончилик ва чорвачиликка боғлиқ тажрибаларида Хут ойининг ўрни алоҳида. «Хут» (Ақпан) халқнинг астрономик билимида Ой ўтадиган юлдузлар уясининг ўн иккинчисининг номи (19-февралдан – 20-мартгача). Маъноси «балик» деганини англатади. Хут ойи киш тўқсонни якунлаб, янги йилга яқинлаштиради. «Хут – ёмон келса ют (жут) » – деб баҳордаги қаттиқ аёздан молларнинг қирилиб кетишидан сақлаш, бунинг учун қўлбола ем-хашак бериб «ютдан» (жут – об-ҳаво инжиқлиги) омон чиқаришни тавсия қилган. «Яхши келса Хут, челақ-челақ сут, ёмон келса Хут керагада (осма илгак) пут» – деб, Хутнинг яхши келишини тилаб, ёмон келган пайтда моллар оч ва совуқдан ўлиб кетиши, гўштларини ўтовнинг керагасига пут-пути билан илдириб, туз сепиб қоклаб қўйишга тўғри келишини, бунинг чорасини топиш зарурлигини айтган.

Хутнинг охирида келадиган «Аямажиз олти кун» баъзида кўп ташвишларни келтирган. Халқ тўқсон қуниқ совуқнинг сўнги олти кунда кўп йиллик тажриба ёрдамида қаттиқ совуқ бўлиб, ер музлаш даражасида об-ҳавонинг паст ҳароратда бўлишини

кўп кузатган. Ушбу олти кунни «аямовуз» деб аташган. «Аямажиз олти кун, олти ой кишдан қаттиқ (совук) кун» – деб бу ҳақида ёшларга кишнинг охириги олти кунни қайтадан киш бошлангандек даражада совук бўлиши мумкин, бунга эътибор бериб чорасини ўйлаб, иложини қилиш керак, «Кишнинг бир куни ҳам киш» – деб ўргатган. Сўнгра Наврўз, баҳор, янги йил келиб, халқ ўзларининг дехкончилик, чорвачилик ишларини янада жонлантиришни давом эттирган.

Шундай қилиб, халқ педагогикаси ёшларга табиат ходисаларини мукамал билиб, ундаги ҳаёт учун, айниқса дехкончилик, чорвачилик, об-ҳаво ва об-ҳаводаги физик хоссаларни ва бошқа зарур қоидаларни билиб боришни, улардан оқилона фойдаланишни, табиатдаги ўзгаришларни олдиндан тушуниб, ўзларининг ҳаёт тарзини тўғри йўналтириб боришга алоҳида аҳамият берган. Буларни ёшларнинг билиши лозим бўлган ақлий тарбиянинг катта бир соҳаси деб ҳисоблаган.

Адабиётлар

1. Давидович Е.А. Материалы по метеорологии средневековой Средней Азии. – М.: «Наука», 1970, –С. 83.
2. Жураев М. Ўзбеклар ойномаси. // Фан ва турмуш. – Т.: 1989. №12. 14 –15- б.
3. Комаров В.Н. Астрономия и мировоззрение. – М.: 1987. –С. 114.
4. Мамадазимов М. Астрономия. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2003, 86-б.
5. Қозыбаев Н. Ауаның мінез кулкы. // Зерде. – Алматы: 1989. № 8. 10 – 12 б.
6. Қарақалпақ фольклоры. 20-томлық. Қарақалпақ халық нақыл-мақаллары. – Н: «Қарақалпақстан», 1978. 4-том. 348-б.
7. Мўминов Ф. Об-ҳаво ва уни олдиндан айтиб бериш. –Т.: «Ўзбекистон», 1965. 37-б.
8. Өлеёов Ө., Жумабеков А. VI-VIII ғасырдағы түркі халықтарының тәлім- тәрбиелік ой-пікірлері. – Т.: «Фан», 2008. 44-б.
9. Бекимбетова А.А. Халқнинг ёшларга ақлий тарбия бериш аңаналари узлуксиз таълим тизимида. – Т.: «Истиклол», 2009. 40- б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада халқ педагогикасида мавжуд бўлган дехкончилик ҳақидаги тушунчалар, шунингдек, об-ҳавони аниқлаш, тажрибалари ва уларни ёшларга ўргатиш масалалари илмий таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам обучения молодёжи занятиям сельским и фермерским хозяйством в народной педагогике. Приводятся ценные рекомендации и советы по этим вопросам, а также по вопросу прогнозирования погоды.

SUMMARY

The article deals with the issues of teaching the youth to be occupied with agriculture and farming in national Pedagogics. There are given recommendations and advice on these issues as well as on learning to forecast weather.

QARAQALPAQ TILI (MÁMLEKETLIK TIL) SABAĞÍNDÁ MASHQALALÍ TÁLIMNEN PAYDALANÍWDÍŇ BAZI BIR MÁSELELERI

U.J.Jaksimova - filologiya ilimleriniń kandidati

Tashkent informatsiyalıq texnologiyaları universiteti Nókis filiali

Tayanch so'zlar: muammoli ta'lim, didaktika, oqitish jarayoni, oqitish texnologiyasi, muammoli vaziyat, leksikologiya.

Ключевые слова: проблемное обучение, дидактика, процесс обучения, обучение технологии, проблемная ситуация, лексикология.

Key words: the problem of teaching, didactics, process of teaching, teaching technology, problematic situation, lexicology.

Búgin jámiyet bilimlendiriwdiń aldına bilimli, intellektual hám arnawlı qábiletli áwladlardı tárbıyalawdı, olardıń bilimlerin maqsetke muwapıq tárizde rawajlandırıwdı wazıypa etip qoydı.

Áne usı wazıypalardı sheshiwde mashqalalı tálim texnologiyası jetekshi orın iyeleydi. Oqıtwdıń bul texnologiyası studentlerdi aktiv pikirlewge úyretiw bolıp tabıladi.

Buniń ushın sabaq waqıtında studentlerge hár túrli sorawlar beriledi. Bul, másele qóyıp oqıtıw dep ataladı. Lekin, “másele” sózi grek tilinen “mashqala” dep awdarma islengen. Demek, “mashqala” sóziniń mánisi “másele” sózi mánisinen bir qansha tereńirek.

Didaktikada mashqalalı oqıtıw jańa baǵdar sıpatında XX ásirdeń 70-80-jıllarında júzege keldi. V.P.Bespalko, V.M.Klarin, Ya.I.Larner, A.M.Matoshkin, T.V.Kudryavcev, M.I.Maxmutov, O.V.Petrushinler mashqalalı oqıtıw nızamlıqların tereń úyrendi.

Oqıtıw procesinde qarama-qarsılıq payda bolǵan halattı S.L. Rubinshteyn mashqalalı jaǵday dep atadı [4]. Student oqıw (biliw) procesinde qarama-qarsılıqlarǵa dus kelse, onıń biliwge bolǵan qızıǵıwshılıǵı taǵıda artadı yaǵnıy motivaciya payda boladı. Máselen, Qaraqalpaq tili sabaǵında “Leksikologiya” temasın úyrengende Omonimiya menen sózlerdiń kóp mániliginiń parqı nede? degen soraw mashqalalı esaplanadı. Bul soraw studentti izleniwge hám oylanıwǵa umtıldırıp, student leksikologiya menen baylanıslı alǵan bilimlerin qıyalınan ótkerip, omonimler menen kóp mánili sózlerdiń uqsaslıq hám ayırmashılıq táreplerin sanasında talqılawǵa hám analiz etiwge háreket etedi hám mashqalanı sheshiw ushın tiyisli derekler ústinde islewge ózin májbúrleydi.

Qaraqalpaq tili sabaǵında mashqalalı oqıtıw halatın jaratıw - bul studentke máseleli usınıw forması bolıp tabıladi. Qaraqalpaq tili sabaǵın